Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 241 (6878). • 14 декабрь, 1978 йил ЧОРШАНБА • Баҳоси 2 тийин.



Чиноз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози деҳқонлари 800 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан ошириб «оқ олтин» сотдилар. Ҳосилни тез ва соз теришда механизаторлар ҳиссаси катта бўлди. Суратда: илғор механизатор ўртоқ Э. Усмонов.

А. Мальцев фотоси.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

13 декабрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси **Л. И. Брежнев** раислигида СССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мажлисда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1978 йил 3 ноябрда Москвада имзоланган шартномани ратификация қилиш ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри **А. А. Громико** шартномани ратификация қилиш учун тақдим этган СССР Министрлар Совети номидан ахборот берди. А. А. Громико бундай деди: Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани Москвада совет томонидан Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигин ўртоқлар ва Вьетнам томонидан Ле Зуан ва Фам Ван Донг ўртоқлар имзолаган эдилар. Бу шартнома Совет — Вьетнам дўстлигининг қадимий ва шонли анъаналарини мустаҳкамлайди. Улуғ Ленин ва Вьетнам халқининг атоқли раҳбари Хо Ши Мин бу дўстликнинг асосини қурган эдилар.

Халқларимиз ўртасидаги дўстлик замон синовига яхши бардош берди, синовлар оловида тобланди, эндиликда икки мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг таркибий қисми бўлиб қолди. Турли даражаларда, шу жумладан энг юксак даражада Совет — Вьетнам алоқалари йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Ҳар икки мамлакатдаги қонун чиқарувчи органлар, ҳукуматлар, министрликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари намояндалари ўртасидаги учрашувлар мунтазам тус олди. СССР билан ВСР ўртасидаги иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тобора кенг кўламда амалга оширилмоқда. Шу билан бирга бунда ВСРнинг ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлиб кириши билан янги истиқболлар очилмоқда. Совет Иттифоқи билан ВСРнинг халқаро майдонда ҳам ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиши доираси кенгаймоқда. Мамлакатларимиз халқларининг кўп қирали ва кўп тармоқли алоқалари, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг эришилган даражаси Совет Иттифоқи билан социалистик Вьетнам ўртасидаги муносабатларни катта сиёсий аҳамиятга молик бўлган шартномада мустаҳкамлаш учун объектив равишда замин тайёрлади.

А. А. Громико шартноманинг мазмунини баён этиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: шартнома Совет — Вьетнам ҳамкорлигини ғоят кучайтиради. Партияларимизнинг, мамлакатларимиз ва халқларимизнинг марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм негизида тобора жипслашиб, сиёсий, идеологик, иқтисодий ва маданий соҳаларда Совет — Вьетнам муносабатларини янада такомиллаштириш борасидаги ҳоҳиш — иродаси шартномада мужассамлаштирилди.

А. А. Громико сўзини давом эттириб, бундай деди: шартноманинг олтинчи моддасига алоҳида эътибор беришни истаймиз. Бу моддада томонларнинг бири ҳужум объекти бўлиб қолган ёки ҳужум ҳавфи остида қолган тақдирда Совет Иттифоқи ва Вьетнам ана шу ҳавфни йўқотиш ва ўз мамлакатларининг тинчлиги ҳамда ҳавфсизлигини таъминлаш учун тегишли самарали тадбирлар кўриш мақсадида дарҳол ўзаро маслаҳатлашиб олишлари кўзда тутилади. Бу қоида ҳар икки қардош мамлакат ўртасидаги яқинлик даражасини ёркин кўрсатади. Бу қоида ҳозирги шароитда жуда муҳим аҳамият касб этаётганлиги тушунарли бир ҳолдир.

Шу тариқа, Совет — Вьетнам шартномаси халқларимизнинг тинч меҳнати, тинч бунёдкорлик меҳнати манфаатларига хизмат қилиши керак. Биз, деб таъкидлади А. А. Громико, шартнома кучли, равнақ топган, тинчликсевар социалистик давлатни барпо этиш ишида вьетнамлик дўстларимизга ёрдам беражагига аминмиз.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари, Иттифоқ Совети ташқи ишлар комиссиясининг Раиси **М. А. Суслов** СССР Олий Совети Палаталари ташқи ишлар комиссиялари номидан сўзга чиқди. У СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссиялари СССР билан ВСР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартномани қўшма мажлисда муҳокама қилиб, якдиллик билан маъқулланганлигини айтди. Ташқи ишлар комиссияларининг мажлисида шартноманинг муҳокама қилиниши, деди М. А. Суслов, унинг асосий мазмуни, энг муҳим мақсади Совет ва Вьетнам халқларининг тинч бунёдкорлик меҳнати учун, мамлакатларимизда коммунизм ва социализмни муваффақиятли барпо этиш учун энг қулай шарт-шароитлар бўлишини таъминлашдан иборат эканлигини яна бир марта тасдиқлади.

Совет Иттифоқи билан Вьетнам халқаро тинчлик ва халқлар ҳавфсизлигини таъминлаш учун тинмай кураш олиб бориш, халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқ ва адолатни қарор топтиришга бутун чоралар билан ёрдам бериш ташқи сиёсатларининг асосий йўналиши бўлиб қолажагини шартномада яна бир марта таъкидлаб ўтдилар.

Совет Иттифоқи билан Вьетнам Осиё қитъасида мустаҳкам тинчлик ва ҳавфсизликка эришиш йўлида иш олиб бормоқдалар ва ана шу энг муҳим вазифани амалга ошириш учун кўп иш қилмоқдалар. Шартномада кўзда тутилганидек, ҳар икки томон жануби-шарқий Осиё халқларининг тинчлик, мустақиллик ва ўзаро ҳамкорлик йўлидаги интилишини қўллаб-қувватлайди. Совет — Вьетнам шартномаси Осиёдаги ва бутун жаҳондаги вазиятнинг ривожига шубҳасиз, самарали таъсир ўтказади.

Қардош социалистик мамлакатларда шартнома зўр мамнуният билан кутиб олинди. Бутун жаҳондаги тараққийпарвар жамоатчилик, деб таъкидлади М. А. Суслов, шартномани қўллаб-қувватламоқда. Совет ва Вьетнам халқларининг дўстлиги дидига ёқмаётган, социалистик ҳамдўстлигимизга нифоқ солишни истаган доираларгина шартномага қарши чиқдилар, бу шартнома тинчлик ва кескинликни юмшатиш душманларига манзур бўлмади.

М. А. Суслов сўзининг охирида бундай деди: Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг ташқи ишлар комиссиялари Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартномани ратификация қилишни СССР Олий Совети Президиумига якдиллик билан тавсия этади.

СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, Совет ҳотин-қизлари комитетининг Раиси **В. В. Николаева-Терешкова** ўз нутқида шартномани маъқуллади. У Совет — Вьетнам дўстлигининг мазмунини баён этиб, СССР билан ВСРдаги жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигига асос эмас. Энг муҳими шуки, бизлар интернационалистлармиз. Вьетнам халқининг муваффақиятлари, ҳар бир социалистик мамлакат муваффақиятлари бизни астойдил қувонтиради. Совет кишилари бу муваффақиятларни тичлик ва социал тараққиёт ишининг муштарак ютуғи деб биладилар.

Шартноманинг ўзига хос яна бир хусусияти бор. Бу ҳужжат келгусига мўлжалланган. КПСС билан Вьетнам Компартияси, ҳар икки давлатимиз ҳамкорлигини йил сайин бойитишга, Совет — Вьетнам дўстлигини мустаҳкамлашга, бу дўстликни асрлар бўйи давом эттиришга қатъий қарор берганликлари шартномада ўз ифодасини топган.

Шартноманинг халқаро аҳамияти ҳам жуда катта. Тинчлик, осойишталик, ташқаридан ҳар қандай аралашувдан халос қилиш, яхши қўшничилик муносабатлари — ҳозирги пайтда Жанубий-Шарқий Осиёга, умуман Осиё қитъасига, бутун жаҳондаги мамлакатларга энг зарур бўлган нарса ана шудир. Шартнома худди ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Л. И. Брежнев сўзининг охирида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1978 йил 3 ноябрда имзоланган шартномани ратификация қилиш ҳақидаги фармонни тасдиқлашни таклиф этди ва фармон лойиҳасини овозга қўйди.

СССР Олий Совети Президиуми Совет Иттифоқи билан Вьетнам Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартномани бир овоздан ратификация қилди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев шартномани ратификация қилиш ҳақидаги фармонни ва ратификация қилинган ёрлиқни имзолади.

Шундан кейин СССР Олий Совети Президиуми СССР Олий Советига сайлов кунини тайинлаш ва сайлов ўтказиш тўғрисидаги қарорлар ҳамда фармон лойиҳалари тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари **В. В. Кузнецов** шу масала юзасидан ахборот берди. У СССР Олий Советининг кейинги сессиясида Президиумнинг мамлакат олий ҳокимият органига навбатдаги сайловни келгуси йил март ойида ўтказиш тўғрисидаги таклифини қабул қилганлигини эслатиб ўтди. Сайлов ўтказиладиган кун тўғрисидаги масалани ҳал этиш чоғида амалдаги қонунлар, сайлов практикаси, Иттифоқдош республикаларнинг фикри, шунингдек Конституция бутун халқ орасида муҳокама қилинган чоғда гражданлар томонидан киритилган таклифлар тўла ҳисобга олинганлиги уқтириб ўтилди. Ана шу омиллар эътиборга олиниб, СССР Олий Советига навбатдаги сайловни 1979 йил 4 март, якшанба куни ўтказиш мўлжалланади. Нутқларда Президиумнинг сайлов муносабати билан қабул этилиши зарур бўлган фармон ва қарорлар лойиҳалари таърифлаб берилди.

Шу масала юзасидан сўзга чиққан **Л. И. Брежнев** бундай деди:

Биз катта ва масъулиятли сиёсий кампанияга қадам қўймоқдамиз. Биринчи қадамларданоқ бутун диққат-эътиборни бу кампанияга амалий тус бериш, партиянинг XXV съезди, Марказий Комитетининг Пленумлари белгилаган вазифаларни бажаришга қаратиш лозим.

Янги Конституция ҳокимият органларимизнинг, шу жумладан СССР Олий Советининг бутун ишини ғоят чуқур мазмун билан бойитди. Бу эса ўз навбатида халқ советларга сайлайдиган ва ўз депутатлари деб атайдиган кишилар олдига янги, янада юксак талабларни қўяди.

Бу талаблар ортиб бораётганлигининг боиси шуки, биз эндиликда жуда катта халқ хўжалигига, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, социал таъминотнинг ривожланган системаларига эгамиз ва мавжуд бойликлардан тўлароқ ҳамда тадбиркорлик билан фойдаланиш, камчиликларни зийраклик билан кўра билиш керак. Бунда депутатнинг овози, халқнинг овози энг салмоқли бўлиши керак.

Бу талаблар ортиб бораётганлигининг боиси шуки, партия бошқарувнинг ҳамма бўғинларида уни такомиллаштириш вазифасини кескин қилиб қўйди. Биз кадрларнинг жонбозлик билан самарали ишлашлари, планларимизнинг сўзсиз бажарилиши, ишлаб чиқариш сифати ва самарадорлигининг ошиб бориши учун ҳаракат қилмоқдамиз. Бунда депутатларнинг назорати, халқнинг назорати янада кўпроқ таъсирчан бўлиши лозим.

Ниҳоят, советлар олдига, уларнинг депутатлари олдига қўйилаётган талаблар ортиб бораётганлигининг боиси шуки, барча планларимизнинг амалга оширилиши юксак даражадаги уюшқоқлик, интизом ва активликни талаб этади. Бундай хислатлар ўзўзича пайдо бўлмайди. Оммани тарбиялаш ва жипслаштириш соҳасида кун сайин иш олиб бориш керак. Депутатларнинг бу ишдаги ўрни, уларнинг шахсан кўрсатадиган намунаси жуда муҳимдир.

Сайлов ҳақидаги янги қонун ҳар бир номзоднинг фазилатларини кенг, эркин ва амалий муҳокама қилишни таъминлайди, шундай муҳокама учун кўпроқ вақт ажратиб беради. Биз қонуннинг ана шу қоидаларидан актив фойдаланиш тарафдоримиз. Бу эса энг муносиб, энг нуфузли кишиларни танлаб олиб, депутатликка номзод қилиб кўрсатишга ёрдам беради.

Л. И. Брежнев сўзининг охирида бундай деди: партия ташкилотлари, бизнинг жамоатчилигимиз халқнинг пешқадам вакилларини СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш ва сайлаш учун, энг яхши тажрибаларнинг ҳаммасини, ўзининг коммунистик келажагини барпо этаётган жамиятимизнинг барча энг яхши кучларини СССР Олий Советида мужассамлаштириш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўришларига аминман.

Президиум сайлов кунини тайинлаш ҳақидаги, сайлов округлари тўғрисидаги фармонларни, шунингдек СССР Олий Советига сайлов ўтказиш билан боғлиқ бошқа қарорларни бир овоздан қабул қилди. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонлари марказий матбуотда эълон қилинади.

Президиум мажлисида КПСС Марказий Комитетининг секретарлари **И. В. Капитонов** ва **М. В. Зимянин**, бир қанча марказий муассалар ва идораларнинг раҳбарлари қатнашдилар.

(ТАСС).

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан социалистик мусобақанинг 1978 йил ўн бир ойи мобайнидаги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари **Фарғона областида, Сирдарё областининг Гулистон районида** қолдирилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилади. **Қорақалпоғистон АССР-га, Андижон областининг Москва районига, Сурхондарё областининг Шўрчи районига, Бухоро областининг Бухоро районидаги «Маданият» колхозига, Хоразм областининг Ҳазорасп районидаги Жданов номли колхозига, Наманган областининг Учқўрғон районидаги Ленин номли совхозига, Жиззах областининг Баҳмал районидаги «Рассвет» совхозига, Фарғона областининг Фарғона районидаги «Ўзплодоовошвинпром» аграр-саноат бирлашмасига қарашли Ленин номли совхозга, Қорақалпоғистон АССР Чимбой районидаги «Главсредазирсовхозстрой»га қарашли «Майёб» совхозига, Тошкент областининг Коммунистик районидаги «Ленинский путь» колхозига** (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ Эм, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Файзуллаев). Бу колхоз ноябрь ойида чорвачилик маҳсулотларини кўп тайёрлашга таъминлаган ва давлатга гўшт сотиш йиллик ҳажмини 144,8 процент, сут сотишни 103,1 процент, тухум сотишни 100 процент, жун сотишни 114,8 процент бажарган. Байроқ Сурхондарё область Жарқўрғон районидаги «Коммунизм» колхозидан олиб берилади.

(Давоми 3-бетда.)

Л. И. БРЕЖНЕВ САДДАМ ҲУСАЙНИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев дўстона расмий визит билан СССРга келган Араб социалистик уйғониш партияси Бош секретарининг ўринбосари, Ироқ республикаси революцион қўмондонлиги кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Саддам Ҳусайнни 12 декабрь куни Кремлда қабул қилди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва Ироқ Республикаси революцион қўмондонлиги кенгашининг аъзолари Иззат Иброҳим ва Тариқ Азиз иштирок этдилар.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида Л. И. Брежнев ва С. Ҳусайн иккала мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ривожланишидан мамнун эканликларини изҳор этдилар. Совет Иттифоқи билан Ироқ республикаси Совет — Ироқ муносабатларини дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг мустаҳкам негизида янада кучайтиришни ўз ташқи сиёсатларининг муҳим вазифаси деб билишлари таъкидлаб ўтилди. Бу шартнома иккала мамлакатнинг туб миллий манфаатларига мос бўлиб тушаётганига, империализмга, мустамлакачиликка ва реакцияга қарши кураш вазифалари манфаатларига, Яқин Шарқда тинчлик ишига хизмат қилишига улар аминдирлар. СССР билан Ироқнинг сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли алоқаларини ривожлантиришга аҳд қилинганлиги изҳор этилди.

Энг зарур ҳалқаро проблемалар хусусида фикрлашиб олинди, Яқин Шарқдаги аҳволга алоҳида эътибор берилди. Л. И. Брежнев билан С. Ҳусайн шу райондаги вазият, АҚШнинг актив иштирокида Исроил билан Миср ўртасида сепарат тил биришириш сабабли хатарли равишда чигаллашганлигидан жуда хавотир олаётганликларини билдирдилар. Улар бу сиёсатни ўз моҳият-эътибори билан арабларнинг манфаатларига зид бўлган ҳамда Яқин Шарқдаги можарони ҳар томонлама одилона бартараф этишга эришиш манфаатларига хилоф бўлган сиёсат, деб кескин қоралидилар. Исроил қўшинларини 1967 йилда босиб олинган араб ерларидан тўла тўкис олиб чиқиб кетилган ва фаластинлик араб халқининг қонуний миллий ҳуқуқлари, шу жумладан унинг ўз тақдирини, ўзи белгилаш ва ўз давлатини барпо этиш ҳуқуқи таъминланган тақдирдагина можарони ана шундай бартараф этишга эришиш мумкинлиги уқтириб ўтилди. Томонлар фаластинлик арабларнинг ўз ҳуқуқлари учун олиб бораётган одилона курашини бундан буён ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлайберишга тайёр эканликларини изҳор қилдилар.

Суҳбат вақтида уқтириб ўтилдики, Араб мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Багдоддаги кенгаши қарорлари арабларнинг манфаатларига зид сепарат тил биришириш сиёсатига қарши, Яқин Шарқ проблемасининг одилона бартараф этилишига эришиш йўлидаги курашда муҳим роль ўйнаши лозим. Бу курашда араблар дунёсидаги жамики тараққийпарвар, ватанпарвар кучларни жипслаштириш, уларнинг Совет Иттифоқи билан, социалистик ҳам дўстликдаги бошқа мамлакатлар билан дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Совет Иттифоқи ва Ироқнинг раҳбар арбоблари ўртасида мунтазам учрашувлар ўтказиб туриш практикасини давом эттиришга қарор берилди ҳамда бу учрашувлар иккала мамлакат ўртасида ишонч ва ҳамжиҳатликни кучайтиришга самарали равишда ёрдам бераётганлиги, икки томонлама ҳамкорлик масалаларини оператив ҳал этишга ҳамда Яқин Шарқ ишларидаги, шунингдек халқаро ишлардаги ҳаракатларни мувофиқлаштириб туришга ёрдам бераётганлиги қайд этилди.

Суҳбатда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Самотейкин;

Ироқ томонидан — Ироқ республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Муртод Саид Абдул Бафи ҳозир бўлдилар.

ТАСС.

СЎНГГИ ВИДОЛАШУВ

13 декабрь куни Совет Қуролли Кучларининг жангчилари, пойтахт меҳнаткашлари Улуғ Ватан урушининг актив қатнашчиси, СССР Олий Советининг депутати, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник Степан Ефимович **Белоножко** билан сўнгги марта видолашдилар.

Марҳумнинг жасади солинган тобут қўйилган Совет Армияси М. В. Фрунзе номли Марказий уйининг Қизил байроқли зали мотам либосида. Бу ерга Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Компартиялари Марказий Комитетларидан, Олий Советлари Президиумлари ва Министрлар Советларидан, СССР Мудофаа министрлиги, СССР Қуролли Кучлари Бош штаби, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг Бош Сиёсий бошқармаси, Қуролли Куч турлари ва бир қанча округларнинг ҳарбий кенгашларидан, марҳумнинг қавм-қариндошлари ва ёри — биродарларидан гулчамбарлар келтирилган.

Соат 10 да Қизил байроқли зал видолашиш учун очиб қўйилди. Дафн этишни ташкил қилиш комиссиясининг аъзолари биринчи бўлиб мотам вахтасида турдилар. Бу комиссияга қуруқликдаги қўшинлар Бош қўмондонининг биринчи ўринбосари армия генерали В. И. Петров бошчилик қилмоқда. Пойтахт гарнизонининг жангчилари, ҳарбий академияларнинг тингловчилари, Москва меҳнаткашлари тобут ёнидан мотам тутиб ўтадилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов, СССР Мудофаа министрининг биринчи ўринбосарлари Совет Иттифоқи Маршаллари Н. В. Огарков ва В. Г. Куликов, СССР Мудофаа министрининг ўринбосарлари ва бошқа ҳарбий бошлиқлар фахрий қоровулликда турдилар.

Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони генерал-полковник С. Е. Белоножко тобути ёнида Ўзбекистон Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Ҳўжаев бошлиқ Республика партия-ҳукумат делегацияси ва Туркманистон Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. Т. Суюнов бошлиқ Республика партия-ҳукумат делегацияси туришди.

Мотам марши садолари остида марҳумнинг жасади солинган тобут Қизил байроқли залдан олиб чиқилади.

С. Е. Белоножко дафн этилган қабристонда мотам митинги бўлиб ўтди.

(ТАСС).

МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

Араб Социалистик Уйғониш партияси Бош секретарининг ўринбосари, Ироқ Республикаси Революцион қўмондонлиги кенгаши раисининг ўринбосари Саддам Ҳусайн 13 декабрда Москвадан жўнаб кетди. У расмий дўстона визит билан СССРга келган эди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, бошқа расмий кишилар меҳмонни Внуково аэродромида кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

РАЙОН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

ИЛҒОРЛАР ТАШАББУСИ КЕНГ ОММАЛАШТИРИЛСИН

(ТОШКЕНТ)

Район коммунистлари ўз конференцияларига меҳнатда катта ютуқларни қўлга киритган ҳолда келдилар. Ўтган уч йил ичида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш районда қариб 10 миллион сўмликка ортди. Биргина Келесдаги жунни қайта ишлаш фабрикасида ишлаб чиқариш ҳажми 9,5 процент кўпайди. Бу пландагидан 4,9 процент ортиқдир.

Умумхалқ социалистик мусобақаси кенг қулоч ёйганлиги сабабли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва давлатга сотиш бўйича социалистик мажбуриятлар ҳам муддатидан илгари бажарилди. Ҳозирги кунда 120 дан ортиқ ишлаб чиқариш илғори, эл-юртга яқин бригада, смена ва участка уч йиллик план-топшириғини бажариб қўйиб, келгуси йил ҳисобига ишламоқда. 70 дан ортиқ ишлаб чиқариш илғори эса ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилаётир.

Кейинги уч йил ичида қурувчилар томонидан 33,8 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Бу бутун тўқкизинчи беш йилликдаги рақамга тенг келади. Қўйилишда ишчилар синфи, инженер-техник ходимларнинг катта отряди гайрат билан ишламоқда.

Конференцияда кўлга киритилган ютуқлар қайд этилиши билан бирга партия ташкилотлари ишидаги нуқсонлар, ташкилий-тарбиявий, оммавий-сиёсий ишдаги камчиликлар ҳам принципиаллик билан таҳлил қилинди, коммунистлар олдида турган вазифалар атрофлича муҳокама этилди.

— Бизда шундай партия ташкилотлари борки,— деди конференцияда ҳисобот доклади қилган ўртоқ **Ю. Толипов**,— улар коммунистларни янгиликларга етакламайдилар, ишга ижодий ёндошишни талаб қилмайдилар. Ташкилотчилик ва сиёсий ишларни талаб даражасида олиб бормайдилар. Келес ремонт-механика заводи бошқармаси, машиналар бўйича конструкторлик бюроси, механика устахоналари раҳбарлари экономикани ривожлантириш масалаларини ўйламаяптилар, мусобақани ташкил этишда юзакичиликка йўл қўймоқдалар. Прогул туфайли кўп иш вақти йўқотилмоқда. Районда сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулот йўқ.

Саноат ва қурилиш бўйича район координация Совети корхоналар партия ташкилотлари раҳбарлари диққат-эътиборини мавжуд камчиликларни йўқотишга жалб қилиши, ташкилот ва муассасаларда илғор тажриба ва рационализаторлик таклифларини жорий этиб, меҳнат коллективларига резервларни излаб топишда амалий ёрдам бериши керак.

Докладда ҳам, музокарада сўзга чиқан делегатларнинг нутқларида ҳам район қишлоқларининг киёфаси тубдан ўзгариб бораётганлиги, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш соҳасида колхоз ва совхозларда катта ишлар олиб борилаётганлиги таъкидланди. Бу борада Навоий номли, Ленин номли, «Ленин йўли», Охунбобоев номли, Ильич номли колхоз раҳбарлари ва партия ташкилотлари амалга ошираётган катта тадбирлар диққатга сазовордир. Мазкур хўжаликларда минг ўринли мактаб, 600 ўринли болалар боғчаси қурилди. Аҳоли водопровод тармоғи, табиий газ билан таъминланди. Лекин уй-жой қурилиши, ижтимоий

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

(Боши 1-бетда).

Тошкент паррандачилик фабрикасига (директор вазифасини ижро этувчи Ўртоқ Цай, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Касилова, маҳаллий комитет раиси Ўртоқ Лисовский). Бу фабрика давлатга тухум топшириш йиллик планини 94,1 процент, парранда гўшти топширишни 121,5 процент бажарган. Байроқ Фарғона давлат зотли паррандачилик заводидан олиб берилади;

Ўзбекистон ССР Давлат балиқчилик хўжалиги **«Балиқчи» балиқ саноати экспериментал-намунали ишлаб чиқариш бирлашмасига** (бош директор Ўртоқ Труш, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Зуморина, маҳаллий комитети раиси Ўртоқ Ҳамитов). Бу бирлашма балиқ овлаш планини 107,6 процент, шу жумладан ноябрь ойида — 106,6 процент, балиқ маҳсулотлари етказиб бериш планини 105,7 процент бажарган, ялпи маҳсулотни кўпайтиришга ва меҳнат унумдорлигини оширишга эришган. Байроқ Хоразм балиқ комбинатидан олиб берилади;

Тошкент областидаги **Тўйтепа шаҳар матлубот союзининг бўрдоқичилик хўжалигига** (шаҳар матлубот союзи правлениесининг раиси Ўртоқ Ҳолиқов, партия ташкилотининг секретари Ўртоқ Орипов, маҳаллий комитет раиси Ўртоқ Воронков). Бу хўжалик гўшт етиштириш планини 157 процент, молларни семиртириш планини 104 процент, фойда олиш планини 260 процент бажарган. Байроқ Жиззах областидаги Ғаллаорол район матлубот союзининг бўрдоқичилик хўжалигидан олиб берилади.

* * *

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети 1979 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш юзасидан районлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг шу йил 11 декабргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Янгийўл районига** (район партия комитетининг секретари А. П. Алимов, район ижроия комитетининг раиси И. М. Шубладзе, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов органлари ишчи-хизматчилари касаба союзи район комитетининг раиси С. Шамсиев, район комсомол комитетининг секретари А. Ибайдуллаев ўртоқлар) берилди. Бу район меҳнаткашлари кузги-қишки тадбирлар комплексини амалга оширишда юқори суръатларга эришдилар ва ўн кунлик топшириқларни ерни шудгорлаш бўйича 112 процент, маҳаллий ўғит жамғариш бўйича 123,5 процент, тут кўчати экиш бўйича 200 процент, суғориш тармоқлари ва коллектор-дренажларни механизмлар ёрдамида тозалаш бўйича 203,7 процент, гидротехник иншоотлар ремонти бўйича 100 процент, насос-куч агрегатлари ремонти бўйича 200 процент, ҳамма маркадаги тракторлар ремонти бўйича 131,6 процент қилиб бажардилар.

Байроқ Чиноз районидан олиб берилади.

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилган Тошкент районига** (район партия комитетининг секретари Ю. Т. Толипов, район ижроия комитетининг раиси, кузги-қишки ишлар бўйича район штабининг бошлиғи А. Қ. Абдувалиев, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов органлари ишчи-хизматчилари касаба союзи район комитетининг раиси С. Т. Тожиев, район комсомол комитетининг секретари Н. Лутфуллаев ўртоқлар) берилди. Бу район меҳнаткашлари кузги-қишки тадбирлар комплексини амалга оширишда юқори кўрсаткичларга эришдилар ва кузги дон экиш, янги боғ ва узумзорлар барпо этиш, шунингдек боғ ва токзорлардаги кўчат хатоси ўрнини тўлдириш учун қўшимча кўчат экиш, сабзавот экинлари кўчатлари етиштириш учун енгил теплица ва парник хўжаликларини тайёрлаш, эртаки сабзавот ва картошка экиладиган майдонларга эгат олиб қўйиш топшириқларини 100 процент ҳамда ўн кунлик топшириқларни ерни шудгорлаш бўйича 120 процент, кўп йиллик ўт илдизларини тозалаш, бўйича 110 процент, маҳаллий ўғит жамғариш бўйича 102 процент, ҳамма маркадаги тракторлар ремонти бўйича 105,3 процент қилиб бажардилар.

Байроқ Қалинин районидан олиб берилади.

1979 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни бажаришда Чиноз, Калинин, Оққўрғон, Бўстонлиқ, Ғалаба районларининг яхши ишлаганликлари кайд қилинди.

Оҳангарон, Бекобод, Пискент районларида кузги-қишки тадбирларни бажаришда сусткашликка йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Янгийўл ва Тошкент раойларига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.



Тошкентдаги «Геологоразведка» заводида кон-дала шароитида нодир рангли металларнинг намуналарини тозалаб-саралаб берувчи ПОУ-6 мослама қурилмалари ишлаб чиқарила бошланди. Суратда: янги қурилма тайёрланаётган участка бошлиғи Эркин Раҳимов тайёр агрегатнинг ишлашини текшириб кўраяпти.

М. Нуриддинов фотоси.



Суратда: Бўка районидаги Мичурин номли колхознинг Холдор Алматов бошлиқ бригадасида кўсак чувиш ва пахта тайёрлаш пайти.

И.Тўлибоев фотоси.

ОНА замин инсон учун бахт тожига ўхшайди. Бехтиёр нурга чўмган икбол алласига орзиманд ташна бўласан, киши. Гўё ундан сеҳрлироқ, жозибалироқ нарса йўқдек туюлади дунёда.

...Холдор Алматов шийпон устунига суянганича чуқур ҳаёлга ботган, гўё хазинаси бўшаб қолаёзган олтин сандиққа ажабланиб боқгандек қадрдон далалардан кўз узмасди. Кечагина чаноқлардан кумуш зар қайнаб тошган гўза туплари яланғоч, гўё декабрь изғиринидан ёноқлари қизаргандек сархуш мудрайди.

Қизиқ, шу топ бригадирнинг ҳаёлидан нималар кечдийкин? Балки беҳаловат уйқусиз тунлар ороми бир зум элитдимикин уни? Йўқ, албатта. Ҳозир у ҳаёлан боққан далаларда ҳануз қайноқ ҳаёт, меҳнат сурури тўлқин уради. Юлдуз чаноқларда оқариб йилтираган кумуш нуқралар меҳрибон қайноқ бармоқларга интизор. Ахир, ана шу тилла мисқолларда заргар деҳқон шижоатли меҳнатининг баракаси, йил бўйи тўккан шалола пешона тери худди дур донаиларидек мужассам, кўркам.

Катта пайкал этагида жойлашган хирмонда трактор гуруллади. Худди ширин туш кўраётган кишидек Холдор Алматовнинг ҳаёли бўлинди: «Худойберди трактористга яна эрта ўт ёқибди да, — ўйлади бригадир шийпондан тушиб, хирмон томон йўл оларкан. — Демак, бугун ҳам суръат пасаймайди!». Бироқ, қовоғидан қор ёғиб турган булутли осмонга боқиб юраги сиқилди: «Об-ҳаво ҳам чап ёни билан турганми, дейман. Бирон кун инсоф қилмайди-я. Қўёшли, очиқ кунлар бўлиб турганда борми?! Эҳ-ҳ! — у зарб билан қўл силтади-да, шахдам-шахдам юриб кетди.

Унинг бу ҳаракатидан: «Пахтани тош ёғса ҳам терамиз, бир мисқолини ҳам увол қилмаймиз!» — деган маънони англаш қийин эмасди.

Ҳалол меҳнат туфайли бахт қошонасига ғишт қўяётган Холдор Алматов Ахил, иноқ коллектив 90 гектар майдондан ҳар йили баракали «оқ олтин» хирмони уйяпти.

Она заминга қайноқ қалб қўри, меҳрини берган деҳқон, албатта, хазина топади. Ҳалол меҳнатнинг тотли меваси бу чинакам хазинадир. Холдор бригада бошлиғи бўлган дастлабки йилиёқ ана шунга муяссар бўлинди. Миришкорлар ўтган йили ҳар гектар пахта майдонидан плондаги 23 центнер ўрнига 29 центнердан дурдона армуғон этиб, ажойиб зафар қучишди. Ҳосилдорлик бир йилдаёқ 6 центнерга ўсди.

Беш йилликнинг бу зарбдор йили пахтакорлар учун чинакам жасорат ва матонат йили бўлди. Ана шу — баҳор ва куз оғир келган йилда ҳам бригада аъзоматлари катта кувончли зафар қуча олдилар. Гектарлардан плондаги 24 центнер ўрнига 35 центнердан хирмон кўтарилиб, давлат қабул пунктларига 315 тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳосилдорлик росмана 9 центнерга ошди. Бу — ажойиб ғалаба!

Ер — битмас-туганмас хазина, мўл-кўл рисқ-насиба манбаи. Деҳқон унинг қонуний хўжайини, бебаҳо мулк эгаси. У қудратли техника билан етарли қуролланган. Гап фақат ундан қандай қилиб самарали, ишнинг кўзини билиб оқилона фойдаланишда қолган. Мазкур бригада заршунослари буни жуда яхши тушунишади. Шунинг учун ҳам улар ўз ерига, техникага чин иҳлос қўйишган.

Бу йил ҳосил тақдири учун тенгсиз курашда бутун техника тўла сафарбар этилди. Ингим-терим айни қизиган кунлари, «зангори ёмғирлар» суръатга қанот бўлди. Моҳир механизаторлар Мутал Ниёзқулов ва Ўғли Бозороврлар мавсумда ўз агрегатлари бункеридан хирмонга 110—150 тоннадан кумуш зар териб тўкишди. Об-ҳаво ноқулай келган мана шу кунларда далада кўрак йиғиш машиналари жавлон уришти. Худойберди Мирзабеков, Абдуолим Ҳакимов ва Йўлчи Алметовлардан иборат махсус кўрак чувиш бригадаси аъзолари меҳнатда, айниқса, зўр ғайрат ва жонбозлик кўрсатишяпти.

Ҳа, улкан «оқ олтин» хирмони учун мардона курош якунланяпти. Ҳандон чаноқлардаги сўнгги олтин мисқоллар торозига қўйилаяпти. Навбат ҳайдов тракторларига, шудгорга. Ахир она замин тин олмоғи керак!

Н. ХИКМАТУЛЛАЕВ,
Бўка райони.

САҲОВАТ ЛАВҲА

ТЕЗ ВА СОЗ ҚУРАЙЛИК!

Республика қурилиш-монтаж ва лойиҳа ташкилотларининг, бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг коллективлари қурилиш самарадорлиги ва сифатини ошириш, объектларни ўз вақтида ишга туширишни таъминлаш юзасидан ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларни бажариб, шу йилнинг 11 ойи мобайнида йилнинг шу даврига нисбатан 5 процент кўп асосий фондларни ишга туширдилар ва 3 процент кўп капитал маблағларни ўзлаштирдилар.

Пудратчи ташкилотлар қурилиш-монтаж ишлари планини 103 процент бажардилар ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 процент ўсишни таъминладилар.

Асосий қурилиш министрликлари ва идоралари пудрат ишлари планини қандай бажарганлигини қуйидаги маълумотлардан кўриш мумкин:

	Процент ҳисобида январь-ноябрь планининг бажарилиши	1978 йил январь-октябрида 1977 йил январь-октябрига нисбатан
Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги	101	103
Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги	102	104
Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги	101	105
«Главташкентстрой»	100	105
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги	106	101
«Узглавводстрой»	107	102
Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш министрлиги	116	111
«Главсредазирсовхозстрой» (Ўзбекистон ССР территорияси бўйича)	101	105
«Узколхозстрой»	104	107

Шу билан бирга улар шу йилда ишга туширилади ган объектлар: Бекобод металлургия, Навоий электр-химия комбинатлари, Навоий шаҳридаги «Навоиазот» ва Чирчиқ шаҳридаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Самарқанд суперфосфат, Андижон ва Наманган машинасозлик, Навоий цемент заводлари, Оҳангарон шаҳарида қуйи ҳароратли тут технологияси асосида цемент ишлаб чиқарувчи линия, Қашқадарё областининг Нишон посёлкасидаги пахта заводи қурилишида ва бошқа қурилишларда қолоқликка йўл қўйдилар.

Йил охиригача бир ойдан камроқ вақт қолган бўлса ҳам, ишга туширилади ган қурилишларда ҳали иш кўп. Қурилиш ва монтаж ташкилотлари ишга туширилади ган объектлардаги ишларни тугаллашлари, заказчи эса ишга тушириш, созлаш ташкилотлари билан биргаликда асбоб-ускуналарни ўз вақтида созлаши ва қувватларни ишга тушириши лозим.

Ўй-жой ва маданий-маиший объектларни қуриб, фойдаланиш учун топшириш ишларини тугаллаш соҳасида қурувчилар олдида катта вазифалар турибди. Декабрь ойидагина бир миллион квадрат метрдан ортиқ ўй-жой, 23 мингдан ортиқ ўринли мактаблар, 14,4 минг ўринли мактабгача тарбия болалар муассасаларини фойдаланиш учун топшириш лари керак.

Ана шундай жиддий ва мураккаб вазифаларни моддий ресурсларни ва ишчи кучини ишга туширилади ган объектларга тўплаш, 2-3 сменали ишни ташкил этиш, қўшимча ишлар графикларига оғишмай риоя этиш, қурилиш ташкилотчиларининг меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини ошириш ҳисобига ҳал этиш зарур.

Министрликлар ва идоралар нинг коллегиялари, раҳбарлари қурилишларни ишчилар, материаллар, механизмлар ва транспорт воситалари билан етарли равишда таъминлаш юзасидан энг қатъий чораларни кўришлари, барча қурилиш-монтаж ишларини тугаллашнинг асбоб-ускуналарни ишга туширишсозлаш ишларига ўз вақтида топширишни таъминлайдиган қўшимча графикларини аниқлаб олишлари лозим. Ишга туширилади ган объектларда ишловчиларга нормал меҳнат ва турмуш шароитларини яратиб беришга алоҳида эътибор қилиш керак.

Заказчи министрликлар ва идоралар яқин кунлар ичида асбоб-ускуналарни бутлашга доир ҳамма масалаларни ҳал этишлари, ишга тушириш-созлаш ишлари ўз вақтида ўтказилишини, янги ишга туширилаётган корхоналарни ишлатувчи ходимлар билан таъминлашни йўлга қўйишлари, уларни асбоб-ускуналарни монтаж қилиш ва созлашни тугаллашга тўла-тўкис жалб қилишлари лозим.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, партия комитетлари ишга туширилади ган қурилишларнинг штабларини яхшироқ ташкил қилсинлар, топширилган ишларга раҳбар ходимларга, ҳар бир коммунистга нисбатан масъулият ва талабчанликни оширсинлар, ишга туширилади ган барча объектларнинг сўзсиз топширилиши, қурилиш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун ўтказилаётган социалистик мусобақага бош бўлсинлар, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1978 йил ноябрь Пленумидаги нутқида айтган йўл-йўриқларига амал қилиб партиявий таъсир ва контролнинг ҳамма формаларини ишга солсинлар.

ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

СОФИЯДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

СОФИЯ, 12 декабрь. (ТАСС). Бугун бу ерда «Социализм ва коммунизм қурилиши ҳамда жаҳон тараққиёти» мавзуида халқаро назарий конференция очилди. Конференцияни Болгария Компартияси Марказий Комитети «Проблема мира и социализма» журнали билан биргаликда ташкил этган.

Конференция ишида 70 дан ортиқ коммунистик ва ишчи партияларининг, революцион-демократик партияларнинг, миллий-озодлик ҳаракатларининг делегациялари иштирок этмоқда. КПСС делегациясига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев бошчилик қилмоқда.

Конференцияни Болгария Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг раиси Т. Живков очди.

Конференцияда Б. Н. Пономарев нутқ сўзлади.

ТАШВИШ ВА ТАҲЛИКА

ПАНАМА, 12 декабрь. (ТАСС). Ривожланаётган мамлакатлар оммавий ахборот тартиб ўрнатилишига эришишлари лозим. Шу муносабат билан Латин Америкаси ва Кариб ҳавзасининг ҳукуматлари ўзаро доимий маслаҳат ўтказиб, мазкур соҳада биргаликдаги сиёсатни ишлаб чиқишлари зарур. Латин Америкаси мамлакатларининг оммавий ахборот проблемалари юзасидан ЮНЕСКО доирасида бу ерда ўтказилган кенгашда ана шу тавсиялар маъқулланди.

Латин Америкаси оммавий-ахборот воситаларини тадқиқ этувчилар уюшмасини тузишга қарор қилинди.

Кенгаш қатнашчилари региондаги кўпчилик мамлакатлардан келган оммавий-ахборот проблемалари тадқиқотчилари билан матбуот ходимлари АҚШнинг ривожланаётган мамлакатлар ҳаётига мафкуравий ва маданий йўл билан суқилиб кириши кучайиб бораётганлиги хусусида жуда ташвишланаётганликларини билдирдилар.

Венесуэла, Колумбия ва Куба вакиллари, жумладан бундай дейишди: Қўшма Штатлар оммавий-ахборот воситаларидан фойдаланиб, уни қитъа халқларининг сиёсий ва иқтисодий мустақилликка ҳамда ҳамкорликка эришиш муддаоларига қарама-қарши қўйиб, Латин Америкаси регионидаги ўз пропагандасини кенгайтирмоқда.

Марказий Разведка Бошқармаси ва АҚШнинг бошқа кўпорувчи ташкилотлари ривожланаётган мамлакатларнинг газеталарига, радио ва телевидениесига суқулиб кираётганликларига эътибор жалб қилинди. Масалан, Пентагон шу мамлакатлардаги 30 дан ортиқ телевидение ва 250 радиостанцияларни назорат қилиб турибди.

КОНСЕРВАТИВ КУЧЛАРНИНГ КИРДИКОРЛАРИ

БАЙРУТ, 13 декабрь. (ТАСС). Консерватив «Ливан фронти»нинг ҳарбийлаштирилган отрядлари билан араб мамлакатлариаро кучларининг Байрут, Дикван районидаги тўқнашувлари тўхтовсиз давом этмоқда. Томонлар деярли ҳамма турдаги қурол-яроғларни, жумладан тўплар ва танкларни ишга солмоқдалар.

Маҳаллий обзорчиларнинг уқтириб айтишича, «Ливан фронти» Ливанни парчалаш ҳусусидаги ўз режаларини амалга ошириш учун шароит яратиш мақсадида мамлакатдаги вазиятни кескинлаштиришга уринмоқда.

Байрутда чиқадиган «Алкифоҳ ал-араби» ҳафтномасининг «Ливан фронти» раҳбарларига яқин доираларга асосланиб хабар қилишича, Ливан жанубида консерваторлар маҳаллий ўз-ўзини бошқариш янги органларини, ҳавфсизлик кучлари ва полицияни тузмоқдалар.

Тель-Авив Ливан реакциясига ёрдам бериб турибди. Исроил вертолётлари ҳарбий аэродром қурилаётган Хиям районига юклар элтиб бермоқда. Ан-накурадаги денгиз порти қурилаётган жойда исроиллик мутахассислар кўпаймоқда. Ливан матбуотининг хабарларида айтилишига қараганда, Исроил молия министрлигининг бир гуруҳ юқори мартабали амалдорлари кеча Ан-накурага келиб кетган.

«Ливан фронти»нинг раҳбарлари Исроил билан ҳарбий ҳамкорликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаш ниятида эканликларини айтдилар, деб хабар қилади «Алкифоҳ ал-араби» ҳафтномаси.

КЕСКИН ҚОРАЛАНДИ

ҚОҲИРА, 13 декабрь. (ТАСС). Миллий тараққийпарвар (сўл) партия фаластинлик араб халқининг кураши билан бирдамлик митинги ўтказилишини тақиқлаб қўйган Миср маъмурларининг хатти-ҳаракатларини кескин қоралади.

Партиянинг ички ишлар министри номига йўллаган баёнотида айтиладики, Миср ҳавфсизлик органларининг ходимлари миллий-тараққийпарвар (сўл) партия қароргоҳини қуршаб олдилар ва бино ичига ҳеч кимни киритмай, митингни барбод этдилар.

Курашаётган фаластин халқи билан бирдамлик кампанияси тақиқловчи буйруқлар бераётган қимсалар араб ва жаҳон жамоатчилиги олдида ўзларини ўзлари шармандаю шармисор қилмоқдалар. Ҳолбуки, Миснинг расмий шахслари фаластин проблемасини одилона ҳал этишга «садоқат» тўғрисида неча марталаб декларациялар эълон қилган эдилар, дейилади баёнотда.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

ВАРШАВА. Польша авиация саноати 50 ёшга тўлди. Ўтган йиллар мобайнида соҳа ишчилари, инженерлари, авиаконструкторлар ажойиб муваффақиятларга эришдилар. ПХРдаги авиация заводларида Совет Иттифоқининг техникавий ёрдами туфайли халқ ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ машҳур «АН-2» самолёти ишлаб чиқарила бошланганди. Кейинги 25 йил мобайнида турли типдаги ўнг минглаб самолётлар ва авиация двигателлари ишлаб чиқарилди. Булар мамлакат ичкарисида, шунингдек чет элларда кенг фойдаланилмоқда.

БУЭНОС-АЙРЕС. Чили пойтахтида инсон ҳуқуқлари куни муносабати билан кўп кишилик намойиш бўлиб ўтди. Намойишда қатнашган мингдан зиёд кишилар Сантъягоининг марказий районларидан бирида митинг ўтказдилар. Улар мамлакатда террор ва репрессиянинг тўхтатилишини, сиёсий маҳбусларнинг озод қилинишини ҳамда Пиночет қамоқларида ётган, кейинчалик ҳунта «бедарак йўқолган» деб эълон қилган 2,500 ватанпарварларнинг тақдири ҳақидаги ҳақиқатни маълум қилишни талаб этдилар. Намойиш полициячилар томонидан тарқатилди. Намойиш қатнашчиларидан бир неча ўн киши қамоққа олинди.

АДДИС-АБЕБА. Эфиопия ҳукумати қишлоқ хўжалиги соҳасида прогрессив ўзгаришларни амалга оширишга катта эътибор бермоқда. Революция йиллари мобайнида давлат фермаларини ривожлантириш чоралари кўрилди. Кооператив бирлашмалар деҳқонлар уюшмалари ҳамон катта роль ўйнаяпти. Уюшмалардаги деҳқонлар сони 27 мингдан ошиб кетди.

(ТАСС, 12 декабрь).

ПОРТУГАЛИЯ. Ишчилар ва деҳқонлар, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари вакилларининг 1974 йил революциясининг асосий ютуқларини сақлаб қолиш учун фаол курашмоқдалар. Улар саноат корхоналарини национализация қилиш, ер ислоҳоти ўтказиш, корхоналарда ишчилар назоратини ўрнатиш, жиддий иқтисодий масалаларни ҳал қилишни талаб қилмоқдалар. Суратда: Лиссабон шаҳрида революция ютуқлари ҳимоясига бағишланган намойиш.

ЧТК—ТАСС фотоси.



Оржоникидзе районида янги ишга туширилган марказий дорихона хизматидан аҳоли мамнун. Бу ерда турли дори-дармонларни ўз вақтида олишингиз мумкин. Суратларда: (чапдан) дорихона ассистенти Ш. Эргашева иш устида: дорихонанинг залларидан бирида. Г. Пун ва И. Чернов фотолари. (ЎзТАГ).

Янги шеърлар

ҲОРМАНГ, ҲАШАРЧИ ДЎСТИМ!

Ҳорманг, дўстим, ғайрат қилибсиз,
Ҳиммат қилиб шимарибсиз енг,
Виждон амри шу деб билибсиз,
Яшанг, бу иш эзгуликка тенг.
Олтин юртнинг олтин даласи
Даъват этди элни бағрига.
Етиб келди мардлик палласи:
Синов катта-кичик — барига.
Фурсат қистар, ғайрат авжида,
Пахтазордир ҳаммасининг уйи.
Кеча-кундуз иш қайнар жуда,
Янграр ғайрат, жасорат куйи.
Ҳа, тўй бугун — меҳнат тўйидир,
Катта тўйнинг арафаси бу.
Улкан олтин тоғини кузлаб
Наъра тортган эл нафаси бу.
Олтин қўллар сафида дўстим,
Ғайратингиз келтирди завқим.
Камолингиз, заковатингиз
Таҳсинига таъзимда халқим.

Собир ЖЎРАЕВ.

ТОШКЕНТИМ — ГУЛ МАСКАНИМ

Тошкентим — гул масканим,
Донғи дунё ошганим.
Лабзи торозусида,
Салмоғи тош босганим.
Зарбдор йил завқ ила,
Яна улкан мавқе-ла,
Енгиб аёз, ёмғирни
Жадаллаган, шошганим.
Бепоён далаларинг,
Қордек оқ толаларинг,
Асло нобуд бўлмади,
«Оқ олтин»га чош коним.
Турсунойлар шаштидан,
Фахриддинлар аҳдидан,
Хирмонлари қомати,
Олойга тенглашганим.
Офарин, ғайратингга,
Улкан жасоратингга,
Бўл ҳамиша байроқдор,
Тошкентим — гул масканим.

Муҳаммаджон ҚЎШОҚОВ.

ШОВҚИНГА ҚАРШИ... МУЗИКА

Ишлаб чиқаришда шовқин —меҳнатни муҳофаза қилиш энг муҳим проблемаларидан биридир. Бир қанча ҳолларда бу муаммо оддийгина усул билан ҳал этилади! Ишчининг товушга қарши қулоқчин кийиши кифоя ва шундай қилганда у ташқи дунёдан ажралади қўяди. Аммо шу оддий восита хавфсизлик техникаси қоидаларида кўзда тутилган бўлсада, уни ишлатишмайди.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш-78» тематик виставкасининг экспонати бўлмиш Пермь телефон заводида функционал музика эшиттиришларини қабул қилувчи махсус қулоқчинлар жорий этилган. Бу янгиликлар айниқса сершовқин цехлардаги ишчиларга дарров манзур бўлди-қўйди.

В. ЕРЕМИН,
(СССР ХХЮВ—ТАСС).

ФАРЗАНД ОИЛА ФАХРИ БЎЛСИН

Тиқ этса эшикка нигорон бўлиб кўз тиккан она ўрнидан турди, соатга қаради: ўн бештакам 5. Ҳамон ўғлидан дарак йўқ. «Ҳозир келиб қолар», — деб пойлаб ётган эри ҳам чарчаб эндигина кўзи уйқуга кетди. Келини эса ҳали ҳам уҳламаган бўлса керак. Чунки, боласини тебратиб секин-секин аллалаган хиргойиси ён томондаги хонадан эшитилиб турарди:

Алла, болам, аллаё,
Эрка қўзим алла.
Аданг қайларда қолди,
Пойлаб кўзларим толди,
алла...

«Янги қилиқ» — деди ўзича келин зарда билан, — келмай қолгани нимаси». У ўйга толди: «Эрим ўзи ёмон эмас. Фақат ичкиликка ўргангани, сўкиб сўзлаши ёмон бўлди-да». Бирдан ножўя ҳаёлларга борилди. «Нима бўлдийкин? Илойим соғ-омон келсинда»...

Қайнона келининнинг эшигини очди. «Энди нима қиламиз, қаердан қидирамиз, ўғлингизни?» сўради у. Она бир томондан, ўғлидан ҳавотир олиб, кўнглини минг турли ҳаёллар чулғаса, иккинчидан унинг бу қилиғидан келининнинг олдида ноғоҳола қилди: «Келиб қолар, иш қилиб тинч-омон бўлса бўлгани» — деди она.

Бирдан эшик тиқиллади. «Ана келди Солиҳжон», — қайнона-келин бараварлашиб эшикка югуришди. Ўғли эканини овозидан сезган она:

— Қаерларда қолдинг бемаҳалда, — деди нолиш оҳангида.

— Мен ёш боламидимки, хавотир оласиз, — деди жеркин у.

Унинг оғзидан ичимлик ҳиди анқиб турарди.

Она ранжиди, қаттиқ ранжиди.

У нима қиларини билмас эди. Томоғига бир нима тиқилгандек бўлди.

Шу топда она овозини кўтариб ,ўғлини уришсинми? Барибир фойдасиз, кайф устида онаизорининг гапи айниган ўғилга ёқармиди! Она якка фарзанд эмаски, уни пайпаслаб ўстирсам. Мактабида беш баҳо билан ўқимаса, ҳам, ҳар ҳолда «3» ва «4» олиб ўқирди. Ёшлигида сўкишни билмасди. Ўзини ҳам катта тутганини сирасира эслай олмайман. Майли, кечикда бўлса ҳам яхши ўқиса бўлгани, дедим. Ишлаши лозим бўлганидан магазинга кириш орзусини айтди. Кирди ҳам. «Катта оиламизни боқадиган кўмакчи керак», деди. Ҳа, ўғлим ҳам ишлаб, оиламизга ёрдам берсин, деб ўйлаган эдим. Ҳаммаси ўйлаганимдек бўлди. Ишлаяпти. Ҳатто ойлигини ҳам менга бериб туради. Ҳаммаси яхши. Ҳаммаси яхши-ю, ичкиликка ружу қўйиб қўйганини қандай тушунтирсам экан? Ҳозир ёшлар ичкиликни ҳаётнинг бир қисмига айлантириб олишган. Ҳатто ўйланганида ёки узатилганида ҳам!!

Тарбиядаги ҳар бир нуқсоннинг янгилигида олдини олиб тузатилса, у бундан кейин илдиз отмайди, кўнгилсизликларга сабаб бўлмайди. Осонликча келган давлат, бойлик кишини ҳавойиликка, бошқаларни, ҳатто ота-онани, қариндош-уруғларни ҳам менсимасликка ўргатади. Қарангки, «пул топармон» бўлиб қолган Солиҳжон кези келганда бошқаларга «Қўлингдан икки пуллик иш келмайди-ку, яна сенга гап борми?» қабилидаги муомалани қилади.

Биз бўлган бир воқеани сизга қисқача ҳикоя қилдик. Лекин, афсуски бундай нобоб фарзандлар орамизда учраб туради. Аслида бу оилада бундай ноҳушликлар юз бермаслиги мумкин эди. Аммо, йўл қўйилган хатолар аста-секин илдиз отаборди. Фарзанд ўз билганича иш тутиб, ота-онасини, оиласини ерга қаратди.

Яхши фарзанд ота-онанинг фахри. У жамиятга фойда келтиради. Шундай экан, болаларимизни ёшликдан тўғри тарбиялаб, замонамизнинг муносиб кишилари қилиб вояга етказсак юзимиз ёруғ бўлади. Аҳир, айтишади-ку, яхши фарзанд оила фахри деб!

Афифа ҲАСАНОВА,
ТошДУ педагогика кафедрасининг ўқитувчиси.

Спорт

РЕКОРД БИЛАН БОШЛАНГАН ЧЕМПИОНАТ

Гўзал Фарғона аҳолиси шу кунларда мингдан ортиқ кишига кўпайди. Бу ерда оғир атлетика бўйича мамлакат чемпионати ва СССР кубоги учун мусобақалар бошланди. Мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган 204 спортчи ғолиблик учун курашмоқда. Бундан ташқари бу ерга қўшни Қирғизистон республикасининг Ўш шаҳридан, Тожикистоннинг Ленинобод, Қозоғистоннинг Чимкент шаҳарларидан ҳам беҳисоб спорт мухлислари келишган. Шаҳардаги марказий спорт зали барча мухлисларни сиғдира олмаяпти. Бир сўз билан айтганда оғир атлетикачиларнинг мусобақасига қизиқиш ниҳоятда катта. Барча иттифоқдош республикалар ўз вакилларини чемпионатга йўллашган. Россия ва Украина вакиллари эса иккитадан команда билан қатнашишмоқда. Спортчилар мухлисларнинг бу катта қизиқишига жавобан чемпионатни рекорд билан бошлаб бердилар. Энг енгил вазн 52 килограммгача бўлган полвонлар бахсида ворошиловградлик Александр Сеньшин штангани силтаб кўтаришда 141,5 килограмм натижани кўрсатиб олимпиада чемпиони А. Воронин ўрнатган жаҳон рекордини 0,5 килограммга яхшилашга муваффақ бўлди. Бу вазндаги полвонларнинг штангани даст кўтаришдаги юксак натижасини новосибирсклик Н. Захаров 102,5 килограммга етказиб, олтин медаль эгаси бўлди. В. Хомяк кумуш, В. Сеньшин бронза совриндори бўлди.

ҚУШ ҒАЛАБА

Ўзбекистон Давлат физкультура институти баскетболчилари биринчи лигадаги учрашувларни муваффақиятли ўтказмоқдалар. Улар навбатдаги турда ўз майдонларида Душанбенинг «Спартак» командасини қабул қилиб, ҳар иккала ўйинда ҳам ғалабага эришишди. Биринчи кун 93:72 ҳисобида ғолиб келган тошкентликлар такрор ўйинда янада катта фарқ 107:49 ҳисобида устун келдилар. Тошкентлик баскетболчилар 11 очко билан биринчи лига вакиллари ўртасида пешқадамлар сафида боришмоқда.

САФАРДА ҲАМ УСТУНЛИК

Тошкентлик баскетболчилар Электросталда «Кристалл» командаси билан бўлган иккн ўйинда уч очко олишга муваффақ бўлишган эди. Ҳамшаҳарларимиз кейинги тур ўйинларини ҳам сафарда ўтказдилар. Улар Липецкда СКА командаси билан учрашиб, биринчи кунги ўйинда ғолиб келишди.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА
28, 29, 30, 31 декабрда, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10
ЯНВАРДА
соат 10.00, 13.00, 16.00 ва 19.30 да
ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ ВА БОШҚА ПЕРСОНАЖЛАР
ИШТИРОКИДА

«ЦИРКДА АРЧА»
ЯНГИ ЙИЛ ТАМОШАЛАРИ

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Цирк кассирлари жойлардаги корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртлари, болалар муассасалари, колхоз ва совхозларга бориб билет тарқатадилар.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.

Қуйидаги телефонлар бўйича заявкалар қабул қилинади: 44-35-84, 44-35-91.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети
Ленин, Октябрь революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденли В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги
206-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1978—79 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

дурадгорлар, енгил ва юк ташиш машиналарини ремонт қилувчи автослесарлар, слесарь-сантехниклар, бўёқчилар.

Билим юртига 15 ва ундан катта ёшдаги 8—10-синфни битирган йигит-қизлар қабул қилинади. 10-синфни битирганлар ва Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар 65 сўм стипендия билан таъминланадилар (слесарь-сантехник ҳунари бўйича). Узоқдан келганларга ётоқхона берилади.

Билим юртини битирганларга аттестат берилади ва Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига юборилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар уч маҳал иссиқ овқат, кийимкечак ва ишлаб чиқариш даврида иш ҳақининг учдан бири билан таъминланадилар.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, автобиография, паспорт ёки туғилганлиги ҳақида гувоҳнома; медицина справкаси (286-форма), турар жойидан справка; ота-онасининг иш жойидан справка, 6 дона фотосурат (4х5 см.).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар — 700128, Октябрь район, Хуршид кўчаси, 83-уй, 14 «э», 48-автобуслар, 10-троллейбус, 10, 23, 27-трамвайларнинг «Хуршид» бекати (Лабзак). Қабул комиссияси ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача ишлайди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚУЙИШЕВ РАЙОН МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

электр монтажчилар, коммутатчилар, подстанциячилар, электрослесарлар, кабелчилар, электр пайвандчилар ва рангли металлар бўйича пайвандчилар, юк ташувчилар, ёрдамчи ишчилар, автокранчилар, махсус машиналар ҳайдовчилари, шофёрлар ва электр монтаж мутахассисликларини ўқитиш учун касби бўлмаган кишилар

КЕРАК

Совет Армияси сафидан бўшатилганларга имтиёзлар берилади.

Эҳтиёжликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Электр монтаж ишлари Тошкент шаҳрининг барча районларида ва шаҳар атрофида, саноат, маданий-маиший объектларда, уй-жой ва метро қурилишларида амалга оширилади.

Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюросига ва Тошкент шаҳар район ижроия комитетлари қошидаги инспекторларга мурожаат қилинсин.

ОҲУ БЎРОНДАН ҚОЧМОҚДА

Синоптикларнинг таҳминларига қараганда, Қозоғистоннинг яқин орада кучли бўрон туриши мумкин бўлган районларидаги оҳу подалари шу районлардан чиқиб кета бошлади. Олмаота зоологлари осмондан ўтказган кузатувлар шуни кўрсатдики, сахро ва қуриқ даштларда яшовчи шу жониворлар хавф-хатарни сезиб, жанубга йўл олдилар. Улар учта катта подага уюшдилар. Подаларнинг бири Волга дарёси билан Урал дарёси оралиғида аниқланди — жониворлар ҳаво айнишидан чўчиб Каспий денгизи соҳилларига равона бўлдилар. Бу ерда қиш бўйи ўтлаб юриш мумкин. Иккинчи пода Каспий билан Орол оралиғидаги районга жўнади, учинчиси эса Тян-Шаньнинг ғарбига туташ ярим саҳрони қишлаш учун танлаб олди.

Олимлар овшунослар билан биргаликда оҳулар подаларини самолёт ва вертолётлардан мунтазам равишда кузата бошладилар. Вездеход машиналарида юрувчи эҳчил группалар ҳам тузилди. Уларнинг вазифаси оҳуларни пишиқ-пухта муҳофаза қилишни таъминлашдан ва музгарчилик бошланган тақдирда ночор аҳволда қолган жониворларга зудлик билан ем-хашак эълиб беришдан иборат.

Шу асрнинг бошларидан бери оҳу бутунлай йўқ бўлиб кетай деб қолган эди. Қозогистонда бу ноёб оҳуни сақлаш учун кўрилган чоралар унинг подаларини қайта тиклаш ва миқдорини ов қилинадиган даражага етказиш имконини берди.

В. ГАНЖА,
(ТАСС мухбири).
Олмаота.



Тошкент пойафзал ишлаб чиқариш бирлашмасида инженерлар ва ишлаб чиқариш новаторларидан тузилган рационализаторлик группалари самарали изланиш олиб боришяпти. Улар ўзларининг таклифлари билан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва таннархини камайтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Ушбу суратда шундай ижодкор группалардан бири аъзолари — 3-цех бошлиғи Т. С. Гончарова, бригадир В. Т. Петинов, каттаинженер О. Т. Гладишев ва бичиқчи С. Д. Боевскийларни кўриб турибсиз. Ю. Синов фотоси. (ЎзТАГ).

ТОҒЛАР ЧОРЛАЙДИ

МАНА қиш ҳам бошланди. Ҳаво ҳароратн бир мунча иссиқ келиб, қиш нафаси сезилмаётгандек туюлади. Кўп эмас, икки соатча йўл юриб, шаҳар ташқарисидаги хушҳаво Чимёнга чиқсангиз, гўё ўзингизни айни қирчилама қишда, оппоқ қор билан тўшалган табиат қўйнида ҳис этасиз.

Келаётган дам олиш куни Чимёнда қишки мавсумнинг очилиши бўлади. «Ассалом, қиш» деб номланган бу ажойиб томошага сўнгги тараддуд ишлари кўриляпти. Бадиий ҳаваскорлар клублари, кўнгилли спорт жамиятлари коллективлари билан ҳамкорликда катта байрам концертини тайёрламоқдалар.

Мавсум очилиши кунида кўнгилли спорт жамиятлари физкультура ташкилотлари билан бирга чанғида учиш, қор устида мини футбол, волейбол, теннис, арқонда кўтарилиш ва бошқа турлар бўйича мусобақалар уюштиради. Шунингдек, тоғ чанғи спортчилари ҳамда дельтапланерчиларнинг чиқишлари бўлади.

Шанба ва якшанба кунларини баҳаво Чимён бағрида ўтказишга ихлосманд бўлганлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Аввалги йилларн бу ерга боришда маълум даражада қийинчиликлар туғилиб турган бўлса, бу йил ундай бўлмайди. Чимён бағрига олиб борадиган йўл бу йил бир мунча кенгайтирилди. Автомобиль йўлларини қуриш ва эксплуатация қилиш республика министрлиги Чимёнга олиб борадиган яна бир янги йўл очди. Эндиликда Роҳат кўли орқали ҳам Чимёнга бориш мумкин. «Паркентводстрой» трести қурувчилари ҳам контрол қутқарув хизмати биносини ишга туширдилар. Бу ерда синоптиклар ва қутқарувчилар, медицина ходимлари жойлашади. Осма арқон йўл реконструкция қилинди. Станция биноси гранитлар билан қопланди. 800 метрли иккинчи осма йўл қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Натижада биринчи осма йўл спортчилар учун мўлжалланган бўлса, иккинчи осма йўлдан барча дам олувчилар фойдаланишлари мумкин.

«Чимён» номи билан аталадиган янги кафе биноси ҳам ишга тушади. Спорт маҳсулотлари билан савдо қиладиган магазинлардан истаган нарсаларингизни сотиб олишингиз мумкин. Онла ва коллектив бўлиб дам олувчилар шаҳардан «ортиқча юк» қилиб чанғи, чана, коньки ва бошқа спорт анжомларини кўтариб юришмаса ҳам бўлади. Бу ердаги прокат пункти ва унинг филиалларидан истаган нарсангизни ижарага олишингиз мумкин.

Тошкент шаҳар ижроия комитети пассажирлар ташиш автотранспорти бош бошқармаси коллектив бўлиб дам олувчилардан беҳисоб миқдорда заявкалар қабул қилади. Шунингдек, бу йил Чимёнга олиб борадиган автобуслар сони ҳам анча кўпаяди. Бир сўз билан айтганда дам олиш кунларини Чимён бағрида ўтказишни истаганлар учун барча шароитлар муҳайё қилинади.

Қишки дам олиш мавсуми бошланди. Чимён чорлайди.

У. ШАРОПОВ.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.40 — Гимнастика. 10.00 — Горчичилар, қаердасиз! 10.30 — Даъвогарлар ва жавобгарлар. Спектакль. 12.00 — Рус романси. 12.25 — Янгиликлар. 15.20 — Социалистик мамлакатлар ҳужжатли фильмлари программаси. 16.10 — Фильм-концерт. 16.30 — Объектив. 17.00 — Рус тили. 17.30 — Грозний шаҳри. 17.45 — Қувноқ стартлар. 18.30 — Миллионлар ленинча университети. 19.00 — Болаларга аталган шеърлар. 19.15 — Оламда нима гап? 19.35— Ҳужжатли фильм. 19.50 — Фильм-концерт. 20.25 — Ўғрилларга жаннат йўқ. Бадиий фильм. 21.30 — Вақт. 22.05— «Жалейка» ансамбли ижро этади. 22.30 — Хоккей бўйича Европа чемпионларининг кубоги учун.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб. 12.35 — Ўқув кўрсатуви. 13.05 — Революция туфайли туғилган. Кўп серияли бадиий фильм. 7-серия. 18.00 — Мультфильм. 18.15 — Ёшлик. 18.45 — Давлат — бу биз. 19.15 — Ахборот. 19.30— Театр учрашувлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси мақомчилар ансамблининг концерти. 21.30 — Вақт. 22.05 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.20 — Ленин Польшада. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

20.00 — Ҳалқа. Бадиий фильм. 20.55 — Янгиликлар.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/XII да Борис Годунов, 15/XII да Севги тумори.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/XII да Ганг дарёсининг қизи, 15/XII да Тирик мурда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗЫКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/XII да Тошкентнинг нозанин маликаси (18.30), 15/XII да Она қизим.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Аренада москваликлар» янги цирк программаси (19.30).

БИЗНИНГ АДРЕС 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь 334808, 325353; секретариат — 325750 БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325547; маданият — 325558; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325553; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; рассом — 325645; фотомухбир — 325894.

Р. 07965. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Д—2543.